

«Askia dehqon bozori» АЖ

акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш

Б А Ё Н Идан кўчирма

2025 йил 14 апрел
Соат 11-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй.

Акциядорларнинг 2024 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 14 апрел кунини ўтказилди. Йиғилишда 592942 овозга эга акциядорлар катнашди, бу жами акциядорларнинг 96,05 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,03 %га эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ш.Ш.Шамансуров катнашди.

Мажлис рийъсатида бир овоздан қуйндагилар сайландилар:

Шамансуров Ш.Ш. – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи,
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Юнусалиев О. – «Аския дехкон бозори» АЖ директори,

Мажлис котибиятига бир овоздан қуйндагилар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра.

Мажлисга «Аския дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Ш.Ш.Шамансуров раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишнинг регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
9. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;

12. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

Мажлис раиси Ш.Ш.Шамансуров кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси тушинтириш бериб мажлис санок ҳайъатига қуйидаги ходимларни сайланишини таклиф этди: Максудходжаева Малика, Бойматова Гузал, Турсунбаева Мухтарама.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёклаган- 592942 - 100 %, қарши- 0-0%, 0-0,0%.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича мажлис раиси тушинтириш бериб, йиғилиш регламентини қуйидагича таклиф этди:

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи киритилди.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёклаган- 592942 - 100 %, қарши- 0-0%, 0-0,0%.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш”.

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёклаган 592942-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%.

Йиғилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Максудходжаева Малика, Бойматова Гузал, Турсунбаева Мухтарама.

2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин;

Ёклаган 592942-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%

3. «Аския деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёклаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “«TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2025 йил 17 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёклаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёклаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин.

6.1. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин. “Аския дехқон бозори” АЖда 2024 йил якунлари бўйича олинган 4184.0 минг.соф фойда куйидаги тартибда тақсимлансин:

- Соф фойданинг 50 % қисми, яъни 2092.0 минг.сўм захира жамғармасига;
- Соф фойданинг 50 % қисми, яъни 2092.0 минг.сўм. ни дивидендга ажратилсин.

Шунда ҳар бир дона акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори:
2092000 сўм / 617299 дона = 3 сўм 388 тийинини ташкил этади.

Дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 14 апрел 2025 йил;

Дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 15 июн 2025 йил.

(ёклаган 592942-100 %, қарши - 0-0%, бетараф 0-0%);

7. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси” иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёклаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Юнусалиев билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин. Унинг меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин ва унинг ойлик маоши амалдаги штат жадвалига асосан белгилансин (Ёклаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқиладиган ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

9.1. Раззоқов Аҳад анварович (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.2. Расулов Камолиддин Райимберди ўғли (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.3. Арифов Равшан Абдуллаевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.4. Юсупходжаев Аълоҳон (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.5. Каримов Сардор Юлдашбасвич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.6. Касимов Миршахрух Шавкатович (жамият устав фонднинг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 592942 та овоз;

9.7. Норов Хурром Уришович (жамият устав фонднинг 0,00032 % акциядори мустақил аъзо) 592942 та овоз.

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларини бартараф этиш вазифасини юклатилсин. (Ёқлаган 592942 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб "TEZKOR-MALAKA-NATSA" МЧДЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 8.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 592942 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва тасдиқлансин.

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (ёқлаган 592942 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «23» апрел 2025 йил.

Ингиллин ранси

Котиба

Ш.Ш.Шамаиёров

Г.Ибрагимов